ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ
ФОРИШ ТУМАНИ
ҲОКИМИ
ҚАРОРИ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
JIZZAX VILOYATI
FORISH TUMANI
HOKIMI
QARORI

"15" aprel 2020 йил 605-сон Боғдон шаҳарчаси

Фориш тумани маркази "Боғдон" шаҳарчасидан ўтган давлат аҳамиятидаги 4Р36 "Жиззах ш.-Янгиқишлоқ қ.-Қизилча қ.-Қизилқум халқа йўли"нинг 68-70 км. оралиғига йўл белгиларини ўрнатишга рухсат этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда), Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган "Йўл ҳаракати қоидалари" (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3-сон, 23-модда) ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Фориш туман ички ишлар бўлимининг 2020 йил 6 мартдаги 413-сонли хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуни 6, 25-моддаларига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Фориш туман ички ишлар бўлимининг 2020 йил 6 мартдаги 413-сонли хати маълумот ва асос учун қабул қилинсин.

2. Фориш тумани маркази "Боғдон" шаҳарчасидан ўтган давлат аҳамиятидаги 4Р36 "Жиззах ш.-Янгиқишлоқ қ.-Қизилча қ.-Қизилқум халқа йўли"нинг 68-70 км. оралиғига иловага мувофиқ тегишли йўл белгилари ўрнатилсин.

3. Туман "Йўллардан фойдаланиш" УК (Ф.Хакимов)га туман маркази "Боғдон" шаҳарчасидан ўтган давлат аҳамиятидаги 4Р36 "Жиззах ш.-Янгиқишлоқ қ.-Қизилча қ.-Қизилқум халқа йўли"нинг 68-70 км. оралиғига йўл белгиларини ўрнатиш вазифаси топширилсин.

4. Йўл ҳаракати қатнашчилари "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва "Йўл ҳаракати қоидалари"га мувофиқ ўрнатилган огоҳлантирувчи, имтиёз, тақиқловчи, ахборот-ишора белгилари ҳамда светофор ишоралари, йўл чизиқларининг талабларини билишлари, уларга амал қилишлари, шунингдек берилган ваколат доирасида йўлларда ҳаракатни тартибга солувчиларнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришлари шарт.

5. Туман ИИБ ЙХҲГ (В.Хусанов) йўл белгилари ўрнатилиши ҳамда транспорт воситаларининг ҳаракати кунлик назорат қилиб борилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ф.Амиров зиммасига юклатилсин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими **А. Мустанов**

JIZZAX VILOYATI UMUMIY BO'LIM O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Илова

Фориш тумани маркази "Боғдон" шаҳарчасидан ўтган давлат аҳамиятидаги 4Р36 "Жиззах ш-Янгиқишлоқ к.-Қизилча к-Қизилқум халқа йўли"нинг 68-70 км. оралиғида ўрнатиладиган йўл белгилари

Т/Р	Йўл белгисининг номи	Жойлаштириш жойи (ПК)	Сони (дона)
1	5.16.2 Пиёдалар ўтиш жойи	ПК68+100	2
2	5.16.1 Пиёдалар ўтиш жойи	ПК68+100	2
3	1.21 Болалар	ПК68+400	1
4	5.16.2 Пиёдалар ўтиш жойи	ПК68+630	2
5	2.4 Йўл беринг!	ПК68+630	1
6	5.16.2 Пиёдалар ўтиш жойи	ПК68+670	1
7	5.16.1 Пиёдалар ўтиш жойи	ПК68+670	1
8	3.27 Тўхташ тақиқланган	ПК68+680	1
9	2.3.2 Иккинчи даражали йўл билан туташув	ПК68+680	1
10	2.4 Йўл беринг!	ПК68+730	1
11	5.16.2 Пиёдалар ўтиш жойи	ПК68+730	1
12	5.16.2 Пиёдалар ўтиш жойи	ПК68+760	2
13	5.16.1 Пиёдалар ўтиш жойи	ПК68+760	2
14	2.1 Асосий йўл	ПК68+800	1
15	3.27 Тўхташ тақиқланган	ПК68+850	1
16	2.3.2 Иккинчи даражали йўл билан туташув	ПК68+800	1
17	5.16.2 Пиёдалар ўтиш жойи	ПК68+860	3
18	5.16.1 Пиёдалар ўтиш жойи	ПК68+860	3
19	2.1 Асосий йўл	ПК68+880	1
20	3.4 Юк автомобилларининг ҳаракатланиши тақиқланган	ПК68+880	1
21	5.30.3 Юк автомобиллари учун ҳаракатланиш йўналиши	ПК68+880	1
22	3.19 Қайрилиш тақиқланган	ПК69+10	1
23	5.16.2 Пиёдалар ўтиш жойи	ПК69+150	2
24	5.16.1 Пиёдалар ўтиш жойи	ПК69+250	2
25	5.16.2 Пиёдалар ўтиш жойи	ПК69+550	1
26	5.16.1 Пиёдалар ўтиш жойи	ПК69+550	1
27	2.3.2 Иккинчи даражали йўл билан туташув	ПК69+800	1